

## Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 293-ҳадис

293 - عَنْ أَنَسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَهَى عَنْ بَيْعِ ثَمَرِ النَّحْلِ، حَتَّى تَزْهُو، فَقُلْنَا لِأَنَسٍ:

مَا زَهُوَهَا؟ قَالَ: تَحْمُرُّ وَتَصْفُرُّ، أَرَأَيْتَكَ إِنْ مَنَعَ اللَّهُ الثَّمَرَ، بِمَ تَسْتَحِلُّ مَالَ أَخِيكَ؟

[خ 1488، م 1555، ت 1228، س 4526، د 3371، ج 2217].

\* Мусоқот - шерикчиликка суғориш дегани. Истилоҳда дарахт ва боғларини суғориш, парваришlash ва бошқа ишларини ҳосилнинг маълум қисми эвазига бировга топшириш мусоқот дейилади. Мусоқот билан музораъа бир турдаги битим бўлиб, мусоқотда боғдорчилик, музораъада деҳқончилик қилишга келишилади.

### 1. 293. Анасдан ривоят қилинади:

«Анас: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хурмо мевасини барқ урмагунча сотишдан қайтардилар», деди. Биз Анасга: «Барқ уриши нимаси?» дедик. У: «Қизариши, сарғайиши. Айтчи, агар ҳосилни Аллоҳ бермаса, биродарингнинг молини нима билан ўзингга ҳалол қилиб оласан?» деди».

*Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.*

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVAT MARVARIDLARI

